



Хижрий йил

Умар ибн Ал-Хаттоб сананинг бошланишини ҳижрат билан белгиладилар, аҳли китоблар қилгандек Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг туғилган кунлари билан эмас. Ул зот бу билан одамларга бу уммат замонлар ва ҳодисалар уммати эмас балки амал уммати экани ва унда амал бўлмаган замонни улуғламасликларини билдириб қўймоқчи бўлдилар.

Хижрий сана Аллоҳ таолонинг ушбу сўзидан эътиборан олинган: «**Биринчи кундан тақво устига қурилган масжид...**» Аллоҳ таоло бу кунни биринчи кун деб номлади, мана шу кун ҳижратнинг аввалги куни. Суҳайлий саҳобалардан ривоят қилган.

Хижрий йил ҳам вақт ғилдирагидир, у кун, хафта, ой ва асрлар айлангандек айланади. Бу йилнинг бошланиши билан табриклишнинг аслини билмайман, агар эслатма берса ва дуойи хайр қилса, яхши.

Йилнинг бошланиши ва ниҳоясига тегишли на қавлий ва на феълий ва на фазилатга далолат қилувчи шаръий аҳкомлар мавжуд. Хижрий сана Умар розияллоҳу анхунинг давридагина тартибланган.

Ҳар бир одамнинг ўз йили бор, у унинг туғилган кунидан бошланади. Бу унинг ҳақиқий умридир. Муҳаррамдан бошланадиган йил тарихни тартиблаш учун қўйилган. Сиз ундан эмас, ўз йилингиздан сўраласиз. Шундай экан умрингизнинг ҳар бир лаҳзасини дунё ва охират учун фойдали, самарали ўтказинг.

Шайх Абдулазиз ат-Трейфий
Абу Закария ал-Маданий таржимаси